



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 10 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 10

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожинова Дилором Бобожинова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телавский государственный
университет, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон Давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Захидова Саховат
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент
Наманган давлат университети

Махкамов Қодиржон Одилжонович
PhD, доцент в.б.
Наманган давлат университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Равшан Ҳалимович Акбаров ТУРКИСТОНДА БУТУНРОССИЯ ТАЪСИС МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	4
2. Улуғбек Қўчқорович Исмоилов ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИГИ.....	11
3. Salamat Mamanuli Ktaybekov LIU ZHI JUANNING "IPAK TARIXI" ASARIGA TARIXIY NIGOH.....	19
4. Saidamirxon Mahmudov ZAMONAVIY TARAQQIYOTNING YANGI BOSQICHIDA KOREYA-O'ZBEKISTON HAMKORLIGINING ISTIQBOLLARI.....	24
5. Orifxo'ja Odilovich Mo'minov ARXELOGIYADA QADIMGI HUDUDLAR LANDSHAFTLARINI TUZISHDA GATNING O'RNI.....	31
6. Орифа Зулфикоровна Норова МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ МУЗЕЙШУНОСЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	38
7. Жаҳонгир Давлатович Остонов БУХОРО ИНҚИЛОБИ ЁХУД КОММУНИСТИК ИНТЕРВЕНЦИЯ? БУХОРО ВОҚЕАЛАРИГА ЯНГИЧА ҚАРАШ.....	44
8. Мархабо Давлатовна Пардаева ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШИШДА МУТАФАККИР ЖАДИДЛАР ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	51
9. Рустамжон Султонмуродович Солиев ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА.....	58
10. Юлдуз Бобокуловна Турсунова ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАР ДИНИЙ ИДОРАСИ ТАРКИБИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	62
11. Санъат Ҳайитбоевич Хўжамов ТОШКЕНТДАН ТОПИЛГАН ЯНГИ КУФИЙ ДИРҲАМ ТАНГАЛАР.....	69
12. Наргиза Ғаниевна Қаландарова БУХОРО ШАҲРИ АРХИТЕКТУРА ОБИДАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	75

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Равшан Ҳалимович Акбаров,
Фарғона давлат университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси
ravshanakbarov04@mail.com

ТУРКИСТОНДА БУТУНРОССИЯ ТАЪСИС МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

For citation: Ravshan H. Akbarov, ORGANIZATION OF ELECTIONS TO THE ALL-RUSSIAN CONSTITUTIONAL ASSEMBLY IN TURKISTAN (ON THE EXAMPLE OF THE FERGHANA REGION). Look to the past. 2020, vol. 10, issue 3, pp.4-10

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-10-1>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф 1917 йил Россияда чақирилиши керак бўлган Таъсис Мажлиси, унга тайёргарлик, сайлов усуллари, Туркистон ўлкасида, жумладан, Фарғона вилоятида олиб борилган ишлар, вилоятда сайловнинг ташкил этилиши, сайлов муддатлари, Фарғона вилоятидан сайланган депутатлар каби масаланинг тарихий аспекти ёритилган. Масаланинг ушбу жиҳати шу пайтга қадар халқаро доирада нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: Таъсис Мажлиси, парламент, сайлов, пропорционал ва мижоритар сайлов усули, қурултой, номзодлар рўйхати, вакил, сайлов участкаси, сайлов комиссияси, сайлов муддати, сайлов ҳуқуқи.

Равшан Ҳалимович Акбаров,
Преподаватель кафедры истории Узбекистана
Ферганского государственного университета
ravshanakbarov04@mail.com

ОРГАНИЗАЦИЯ ВЫБОРОВ В ВСЕРОССИЙСКОЕ КОНСТИТУЦИОННОЕ СОБРАНИЕ В ТУРКЕСТАНЕ (НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ)

АННОТАЦИЯ

В статье описывается исторический аспект Учредительного собрания, которое должно быть создано в России в 1917 году, его подготовка, методы проведения выборов, работа, проводимая в Туркестане, в том числе Ферганской области, организация выборов в регионе, даты выборов, депутаты, избранные от Ферганской области. Этот аспект номера служит дополнительным материалом к уже опубликованным на международной арене работам.

Ключевые слова: Учредительное собрание, парламент, выборы, пропорциональные и мажоритарные выборы, съезд, список кандидатов, представитель, избирательный участок, избирательная комиссия, срок избрания, избирательное право.

Ravshan H. Akbarov,
Teacher of the Department of History of Uzbekistan,
Fergana State University,
ravshanakbarov04@mail.com

ORGANIZATION OF ELECTIONS TO THE ALL-RUSSIAN CONSTITUTIONAL ASSEMBLY IN TURKISTAN (ON THE EXAMPLE OF THE FERGHANA REGION)

ABSTRACT

The article describes the historical aspect of the Constituent Assembly, which should be convened in Russia in 1917, its preparation, methods of holding elections, the work carried out in Turkestan, including the Fergana region, the organization of elections in the region, election dates, deputies elected from the Fergana region. This aspect of the issue serves as an additional material to the works already published on the international arena.

Index Terms: Constituent Assembly, parliament, elections, proportional and majority elections, congress, list of candidates, representative, polling station, election commission, term of election, suffrage.

1. Долзарблиги:

1917 йил февраль инқилоби Россияда демократик эркинликларга йўл очди. Инқилобдан кейин ҳокимият тепасига келган Муваққат ҳукумат бўлажак Россиянинг давлат тузумини белгилаб берувчи Таъсис Мажлисини чақиришга тайёргарлик бошланади. 1917 йил 6 мартда Муваққат ҳукумат ўзининг “Озод Россия ҳақидаги декларация”сини эълон қилади. Унда Таъсис Мажлисига сайловларни ўтказиш ҳукуматнинг биринчи галдаги вазифаси сифатида белгиланади [26]. Мавзунинг ўрганилиши, яқин ўтмиш тарихимиз, советлар даврининг 70 йилдан ортиқ тарихини ўрганишда долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, 1917 йили Россия империясида чақирилган Таъсис Мажлиси, унга тайёргарлик, жумладан, Фарғона вилоятида сайловга тайёргарлик, сайловларнинг кечикиши ва сабаблари, вилоят аҳолиси томонидан сайланган вакиллар, Таъсис Мажлисининг тақдири масалаларининг тарихий аспекти кўрсатилган. Бу борада рус тарихчиси Л.Г.Протасов чуқур тадқиқотлар олиб борган [14, 15]. Таъсис Мажлисига оид тадқиқотлардан яна бири 2009 йили Москвада нашр этилган [2]. Ушбу тадқиқотларда империя худуди бўйлаб ўтказилган сайлов ишлари тадқиқ этилган бўлса-да, Туркистон ўлкасида, жумладан, Фарғона вилоятида олиб борилган ишлар умумий тарзда кўриб чиқилган, холос. Шуни ҳисобга олиб, ушбу мақолада ўлкамизда Таъсис Мажлисига тайёргарлик, унинг ўтказилиши ва натижалари ҳақида маълумотлар беришга ҳаракат қилдик.

Таъсис Мажлисига сайлов бўйича Комиссия Петроградда 1917 йил март ойининг охирида [6], 25 майда эса “Таъсис Мажлисига сайлов қоидалари”ни ишлаб чиқиш учун махсус комиссия ташкил этилиб, сайлов учун уч асосий шиор шарт қилиб қўйилди: умумий, тўғри, яширин. Махсус мажлисда сайлов тизимини жорий этиш учун 20 кишилик махсус комиссия ташкил этилади. Махсус комиссия фаолияти давомида кўпмиллатли худудларда пропорционал, асосан бир миллат яшайдиган худудларда эса мажоритар тизимни жорий қилиш керак деб ҳулоса беради.

Туркистон ўлкаси Каспийорти вилояти ҳамда Амударё бўлимида сайлов можоритар усулида, қолган вилоятларда эса прапоционал тартибда ўтказилиши белгиланган [2: 8-19].

Муваққат ҳукуматнинг сайлов масаласидаги 2 июнь кунги йиғилишда қатнашган туркистонлик вакил Убайдулла Хўжаев ҳам қатнашиб, пропорционал сайлов тизими мақсадга мувофиқлигини ёқлайди [2: 160-161]. Россия тарихида биринчи марта хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларга сайлов ҳуқуқи берилиб, бу сайловчилар таркибининг кенгайишига сабаб бўлган.

Муваққат ҳукуматнинг 1917 йил 14 июндаги қарорига кўра, Таъсис Мажлисига сайловлар 17 сентябрга, чақирилиш муддати эса 30 сентябрга белгиланади. 9 август куни бу муддатлар ўзгартирилиб, сайлов 12 ноябрга, чақирилиш муддати эса 28 ноябрга белгиланади [22]. Бунинг сабаби, Россия қоғоз саноати сайлов учун лозим бўлган 3425 оддий, 4500 пуд сифатли, 6250 пуд китоб шаклидаги, 125910 пуд газета форматидаги ва 200 000 000 донна конверт учун шарт бўлган қоғозни ўз вақтида (сентябрь ойига қадар – таъкид бизники А.Р.) тайёрлай олмаслигида эди [25]. Шу билан биргаликда, сайловга керакли қоғоз, яъни ҳужжатларни тайёрлаш учун 7 миллион рубль пул лозим бўлгани ҳолда [23], Муваққат ҳукумат 1917 йил 10 сентябрда 6 млн рубль маблағ ажратган, холос. Лекин ушбу пулларнинг ҳам жойларга вақтида етиб бормаганлиги сайлов ишларининг кечикиб кетишига яна бир сабаблардан эди [2: 20].

Бутурроссияда бўлганидек, Туркистон ўлкасида ҳам бўлажак Таъсис Мажлисига тайёргарлик ишлари бошланади. 1917 йил 16-21 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Бутунтуркистон мусулмонлари I ўлка қурултойига қўйилган 16 масаланинг учинчиси Таъсис Мажлиси сайлови ҳақида бўлиб, унда қуйидагича қарор қилинади: 1) Халқни Таъсис Мажлисига тайёрлаш; 2) Аёлларга ҳам сайлов ҳуқуқи берилиши; 3) Аёлларнинг сайловда иштирок этиши дин қоидалари бўйича белгиланиши; 4) Таъсис Мажлисига вакиллар сони аҳоли сонига мутаносиб бўлишига қарор қилинган эди. Шу муносабат билан Шўрои Исломия ташкилоти томонидан жойларда бу масала бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиши белгиланди [27] ва бу борада даврий матбуот орқали аҳоли учун материаллар борила бошланди.

Шу билан биргаликда, ўлкада яшовчи европалик аҳоли ҳам Таъсис Мажлисига вакил жўнатиш масаласида жиддий тайёргарлик кўра бошлади. Туркистон ўлкаси Таъсис Мажлисига сайлов учун олти округга бўлинган бўлиб, Еттисув вилоятидан бошқа округларда европалик аҳоли сони ўзлари истаган вакил жўнатиш учун етарли эмасди. Сайловда етарли овоз олиш учун ўлкада яшовчи барча европалик аҳоли учун ягона сайлов округи ташкил этиш ҳақида талаб билан чиқадилар [13: 33].

Бутунроссия Таъсис Мажлисига тайёргарлик жойларда ҳам фаол равишда олиб борилган. Масалан, 1917 йил 9 июнь куни Фарғона вилоят маркази бўлган Скобелев (Фарғона) шаҳрида вилоятдаги барча жамият ва сиёсий ташкилот вакиллари мажлисга таклиф қилади. Мажлисда учта масала кўриш назарда тутилган бўлиб, уларнинг биринчиси “Ташкилотларда Таъсис Мажлиси сайловларига тайёргарлик ишлари” деб белгиланган эди [5].

Муваққат ҳукумат қарорига кўра, Таъсис Мажлисига Фарғонадан 10, Сирдарё вилоятидан 8, Еттисув вилоятидан 6, Самарқанд вилоятидан 5, Каспийорти вилоятидан 2, Амударё бўлимидан битта вакил бўлиши белгиланди [7].

Таъсис Мажлисига сайлов ишларининг ташкил этилиши миллий ўлкаларда ижтимоий ҳаракатнинг кучайиши ва ҳудудий мухторият учун курашнинг шаклланишига сабаб бўлган. Масалан, Фарғона вилояти мусулмон етакчилари Таъсис Мажлисида муҳокама қилиш учун лойиҳалар тайёрлаганлар [12]. Гарчи бу уринишлар натижасиз тугаган бўлса-да, бу ҳаракатнинг ўзи катта қадам эди.

1917 йил кузига келганда Бутунроссия Таъсис Мажлисига сайлов қизғин паллага киради. Даврий матбуотда аҳоли ўртасида сайлов тарғиботи авж олади. “Улуғ Туркистон” [20], “Кенгаш” [12], “Эл байроғи” [35], “Турк эли” [18], “Равнакул ислом” [16], рус тилида нашр этилган “Знамя свободы” [8; 9], “Свободный Туркестан” [17] ва бошқа даврий матбуот саҳифаларида бу масалага оид мақолалар бериб борилган.

Таъсис Мажлисига сайловлар масаласи жойлардаги мусулмон ташкилотлари курултойларида ҳам қизгин муҳокама қилинган. Масалан, 1917 йил 25 сентябрь куни Наманганда 110 вакил қатнашган Фарғона вилоят мусулмон ташкилотлари V съездида [11], 1917 йилнинг 24 октябрь куни Скобелев шаҳрида Фарғона мусулмонларининг VII съездида Фарғона вилоят уездларидан Таъсис Мажлисига кўрсатиладиган жами 15 та [35] номзодлар кўрсатилган.

Мамлакатнинг асосий қисмида сайловнинг пропорционал сайлов тизими қабул қилинганлиги учун округларда турли партия ва ташкилотлар томонидан вакиллар рўйхати шакллантирилади бошланди. Масалан, Россия марказий ўлкаларида Таъсис Мажлисига сайлов учун турли партия ва ташкилотлардан 40 га яқин номзодлар рўйхатлари тузилган [2: 21]. Сирдарё вилоятида 6 рўйхат тузилган бўлса [20], Фарғона вилоятида эса сайлов учун асосан икки рўйхат орасида кураш кетган [14: 259]. Бу рўйхатнинг биринчиси “Муинил Ислому” жамияти томонидан тузилган бўлиб, унга қуйидаги номзодлар исмлари киритилган: 1. Носирхонтўра Камолхонтўраев (Наманган); 2. Қодирхўжа Абдураззоқхўжаев (Наманган); 3. Қаландархўжа Валихўжаев (Наманган); 4. Абдуқодир Абдуллабоев (Наманган) [32].

Иккинчи рўйхат эса 1917 йил 13 ноябрь куни Таъсис Мажлисига сайлов бўйича Умумфарғона йиғилишида тузилган бўлиб, унга қуйидаги шахслар киритилган: 1. Мирзааҳмедов Миродил; 2. Юргули Агаев Ҳидоятбек Ҳожи Маҳмуд ўғли; 3. Исомсултон Шоаҳмедов; 4. Чайкин Вадим Афанасьевич; 5. Мустафо Чўқаев; 6. Расулзода Муҳаммадамин Али Акюер ўғли; 7. Акаев Серикбой Жумағалиевич; 8. Йўлдош Қориев Абдуллажон; 9. Ўразаев Абдурахмонбек Алимухаммедович; 10. Умаров Одилжон; 11. Ходжиқов Қўнғирхўжа; 12. Юсуфбеков Насиббек Юсуфбек ўғли; 13. Карабеков Жамшидбек [34].

Совнаркомнинг 1917 йил 27 октябрдаги ва Бутунроссия Сайлов комиссиясининг 7 ноябрдаги қарори билан Таъсис Мажлисига сайлов сайлов комиссияси “эркин овоз бериш имконияти ва сайлов учун қонуний тартиб мавжуд бўлса, сайловни белгиланган муддатларда ўтказиш” ҳақида қарор қабул қилади [2: 22]. 1917 йил 9 августдаги ҳукумат қарорига кўра, Таъсис Мажлисига сайловчилар рўйхатини эълон қилишнинг энг охири муддати 3 октябрь, номзодлар рўйхати ва сайлов участкаларини эълон қилиш 13 октябрь этиб белгиланган. Сайловчилар рўйхатини тузиш иши эса 23 сентябрдан кечиктирмасдан бошланиши керак эди [24].

11 ноябрдаги вазиятга кўра, Россиянинг 23 округида, жумладан, Фарғона вилоятида 12 январгача, Сирдарё, Амударё, Каспийорти, Самарқанд ва Еттисув округларида сайловлар номаълум муддатларга кечиктирилган [2: 23-24].

Бутунтуркистонда бўлганидек, Фарғона вилоятида ҳам Таъсис Мажлисига сайловлар учун номзодлар рўйхатини аниқлаш иши кечикиб кетган. Бунинг сабаби сиёсий ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликлар эди. Сайловни тезлаштириш мақсадида вакил А.А.Гапеев тавсияси ва Шнитниковнинг 17 октябрда йўллаган телеграммаси ҳамда Фарғона вилоят округ сайлов комиссиясининг қарорига кўра, тайёргарлик муддатлари қисқартирилиб, қуйидаги янги муддатлар белгиланган: 1. Номзодлар рўйхати жорий йилнинг 3 ноябрь кундузи соат 13.00 га қадар тайёрлаш; 2. Сайлов участкаларини эълон қилиш - 2 ноябрга; 3. Сайловчилар рўйхатини аниқлаш - 4 ноябрга; 4. Сайловчилар рўйхатини эълон қилиш - 10 ноябрга; 5. Сайловчиларнинг кўшимча рўйхатини эълон қилиш - 13 ноябрга; 6. Сайлов рўйхати бўйича охири аризаларни кўриб чиқиш муддати - 15 ноябрга; 7. Шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш муддати - 18 ноябрга; 8. Аризалар бўйича охири қарор қилиш муддати - 21 ноябрга; 9. Аризаларни охири кўриб чиқиш муддати - 26 ноябрга; 10. Сайловчиларнинг охири тузатилган рўйхатини эълон қилиш муддати - 30 ноябрга; 11. Сайлов эса учинчи 3 декабрга белгиланди [10].

Таъсис Мажлисига тайёргарлик ишлари бўйича жойларда комиссиялар ташкил этилган. Масалан, Эски Марғилонда округ комиссияси тузилиб, у 1917 йилнинг 30 октябрдан эрталаб соат 10.00 дан кундузи соат 13.00 гача фаолият юритган. Комиссия таркиби қуйидагича белгиланган: раис, ҳамраис, котиб ва комиссия аъзолари иборат бўлган. Шаҳарда сайлов учун тўртта участка ташкил этилган: 1. Машъад; 2. Сафальтудин; 3.

Қаландархона; 4. Тошмозор (яъни оқсоқолликлар бўйича) каби сайлов участкалари белгиланди [33]. Ҳар бир сайлов участкасида иккита комиссия ташкил этилиб – бири эркаклар учун, иккинчиси эса хотин-қизлар учун белгиланган.

Скобелев уездида эса сайлов ишларига тайёргарлик мақсадида 18 волостда жами 64 та сайлов участкалари ташкил этилган [29]. Қўқон шаҳри эса 6 та сайлов участкасига бўлинган [31]. Шунингдек, Фарғона вилояти қишлоқ уездлари ҳам маъмурий бирликлар бўйича сайлов участкаларига бўлинган.

Фарғона вилояти бўйича Таъсис Мажлисига сайлов асосан 1917 йил декабрь ойи мобайнида ўтказилган. Масалан, Қўқон уезди волостларида сайлов 3-4 декабрь кунлари эрталаб соат 9.00 да бошланиб, кечқурун соат 21.00 гача, 5 декабрь куни эрталаб соат 9.00 дан кундузи соат 14.00 гача бўлиб ўтган [30]. Скобелев уезди волостларида эса сайлов кечикиброқ ўтказилган. Қўқон уездида сайловлар уч кун муддатда ўтказилган бўлса, Скобелев уездидаги участкаларда бир кун муддатда ўтказилган. Масалан, Таъсис Мажлисига сайлов 7 декабрь куни Гуручфуруш, Бўстон ва Рус қишлоғида, 8 декабрь куни Федченко, Хонобод ва Сўфонда, 9 декабрь куни Ёз, Ёрмозор ва Каттақишлоқ, 12 декабрь куни Қорақипчоқ, 17 декабрь куни Тоштепа ва Мирзаобод, 18 декабрь куни Полосон, Шоҳимардон, Водил ва Халмиён, Қоратегин, Найман, Найнов, 19 декабрь куни Бўрболик, Қипчоқ, 20 декабрь куни Асака ишчилар участкаси, 21 декабрь куни Катта кўча, 23 декабрь куни Марҳамат, Найман, Тожик қишлоқ, Турк қишлоқ, Меҳмон, Ўқчи, Қорақўрғон, Кўлқишлоқ, Тепақўрғон, Аравон, Манғит, Дўнгах, Карвон қишлоқ, Ойтамға, Қанғли Бўрибош, Катта Олой, 27 декабрь куни Октепа, 1918 йил 2 январь куни Ўхна, Чашма, Чукур, Бешбалин, Горчаков, 8 январь куни Юқори Асака, Қизилоёқ, Шаҳрихон, 10 январь куни Қоратеп (Ёзёвон), Арабмозор, Ахшак, 16 январь куни Қанғлик, 23 январь куни Лоғон, 24 январь куни Мўён, 25 январь куни Олойтанти участкаларида ўтказилган. Скобелев уездининг Юқори Учқўрғон, Қизилқия, Қоратегин, Шаҳрихон ишчилар участкаси, Горчаков, Ингичка, Қумариқ участкаларида сайлов ўтказилмаган [28; 29].

Бунинг сабаби октябрь давлат тўнтаришидан кейин сайлов ишлари назоратсиз қолганлиги ва комиссияларни вазиятни ўз масъуллигига олганлигида эди. Натижада комиссиялар вазиятдан келиб чиқиб, сайловни белгиланган муддатда эмас, балки кечикиброқ ўтказишган. Шундай бўлса-да, Бутунтуркистон ўлкаси бўйича фақатгина Фарғона вилоятида Таъсис Мажлисига сайлов ишлари тўлақонли равишда ўтказилди, деб айтиш мумкин. Чунки, Таъсис Мажлиси очилгунга қадар Фарғона вилоятининг асосий регионларида сайлов ишлари тугалланган. Вилоят бўйича сайлов учун тузилган иккинчи рўйхат, яъни “Шўрои Исломи” вакиллари ғалаба қозонадилар.

3. Тадқиқот натижалари:

1918 йилнинг 5 январь куни Петроградда сайланган депутатларнинг (Бутун Россия бўйича Таъсис Мажлисига жами 715 та депутат сайланган бўлиб, шундан 18 таси Туркистон ўлкасидан сайланган) 400 дан ортиғи йиғилганлиги туфайли Таъсис Мажлиси очилади [21]. Таъсис Мажлисига Туркистон ўлкасидан куйидаги депутатлар сайланган: Самарқанд вилоятидан – Абдухалилов Тошпўлат, Махмудхўжа Бехбудий, Мақсудов Садриддин Низомитдинович, Фарҳодов Абдурахмон, Фарғона вилоятидан – Акаев Сарыкбай Джумағалиевич, Мирзааҳмедов Миродил, Абдурахмонбек Ўразаев, Хўжаев Қодирхўжа, Чайкин Вадим Афанасьевич, Исломултон Шоаҳмедов, Йўлдош-Қориев Абдуллажон (Пўлатов Қори Йўлдош), Ҳидоятбек Юрали Агаев, Еттисув вилоятидан – Аманжолов Содик Аманжолович, Жайнаков Иброҳим Жайнакович, Саурамбаев Диёр Саурамбаевич, Тинишпаев Муҳаммаджон, Шебалин Петр Иванович, Щендриков Степан Никифорович. Туркистон ўлкасидан сайланган депутатлар бошқа депутатлар сингари 1918 йил 13 августга қадар Таъсис Мажлиси рўйхатида қолдирилган [36].

Большевиклар ҳокимият тепасига келган дастлабки пайтда Таъсис Мажлисини чақиришни қўллаб-қувватлаганлар. Лекин 12 ноябрда бўлган сайловларда улар етарли овоз ололмаганларидан кейин (Сайлов натижаларига кўра, овозларнинг 23,9% и – большевикларга, 40% и – эсерларга, 2,3% и – меньшевикларга, 4,7% и – кадетларга

берилади) [4: 76] тескари муносабатда бўла бошладилар. Дастлаб, ноябрь ойининг охирида Таъсис Мажлиси Бутуроссия сайлов комиссияси раиси ва сайланиб, пойтахтга келган депутатлар қамокқа олинади. Сайлов комиссиясининг раиси этиб, М.С Урицкий тайинланади [15: 27]. Комиссия ишини ўз назоратига олган большевиклар сайлов ҳақидаги бутун маълумотларни ўз қўлларида тўплай бошладилар ва ўз матбуотлари орқали Таъсис Мажлисининг зарурати йўқ эканлигида ҳақида тарғибот олиб бора бошладилар. Ҳатто, Л.Троцкий 26 ноябрь куни Таъсис Мажлиси аъзолари таркибида ҳукумат учун номатлуб вакиллар бўлса, уни тарқатиб юбориш ва сайловни қайтадан ташкил этишни таклиф қилади. 13 декабрь куни Лениннинг “Таъсис Мажлиси ҳақидаги тезислар”и эълон қилинади. Унда муаллиф Таъсис Мажлисини демократия бошқарувнинг олий формаси эканлигини тан олсада, унга қарши бошқарувнинг “совет”лар формасини таклиф қилади [14: 275]. Бундан большевикларнинг Таъсис Мажлисига муносабатини билиш мумкин, эди. Зеро, ана шундай бир шароитда большевиклар Таъсис Мажлисини тарқатиб юборишлари мумкин эди [1]. Натижа ҳам кутилганидек бўлди.

1918 йил 5 январь кеч соат 16⁰⁰ да Петроградда очилган Таъсис Мажлиси 6 январь соат 5⁰⁰ да Таъсис Мажлиси бутунлай ёпилди. Шундай қилиб, Таъсис Мажлиси бор-йўғи 13 соат фаолият кўрсатди, холос [3].

Таъсис Мажлисининг большевиклар томонидан (сўл эсерлар томонидан қўллаб-қувватланган) тақдим этилган таклифларни рад этиши [4: 78-79] Мажлисни тарқатиб юборилишига сабаб бўлади.

4. Хулосалар:

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

- биринчидан, Муваққат ҳукуматнинг қатъийлик билан иш тутмаганлиги;
- иккинчидан, давом этаётган биринчи жаҳон урушида иштирок этиш мамлакат иқтисодини жар ёқасига олиб келганлиги;
- учинчидан, октябрь давлат тўнтаришидан кейин ҳокимият тепасига келган большевиклар ҳукумати давлат бошқарувининг демократик тамойилларга зидлиги;
- тўртинчидан, миллий ўлкалардаги демократик ташкилотлар ўртасидаги ихтилофларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Time. 1917. 25 November
2. Elections to the All-Russian Constituent Assembly in the documents and memoirs of contemporaries. – Moscow. 2009. – S. 20.
3. The voice of Samarkand. 1918.12 January.
4. Znamenskiy ON Epoch: events, fate, evidence // Dialogue. 1990. No. 2. P. 76.
5. Banner of freedom. 1917.7 June.
6. Banner of freedom. 1917.12 August.
7. Banner of freedom. 1917.15 August.
8. Banner of freedom. 1917.19 October
9. Banner of freedom. 1917.20 October.
10. Banner of freedom, 1917 October 24.
11. Banner of freedom. 1917.25 October.
12. Council. 1917. 11 July
13. Mustafa Chokay oglu. Executioners of Independence (memories of 1917). – Tashkent. 1992. –76 p.
14. Protasov L.G. All-Russian Constituent Assembly: the history of birth and death. - М.: ROSSPEN, 1997. – 275 p.
15. Protasov L.G. People of the Constituent Assembly: a portrait in the interior of the era. - Moscow. ROSSPEN, 2008. – 584 p.
16. Ravnaqul Islam. 1917. №5.

17. Free Turkestan, February 15 (2)
18. Turkish hand. 1917. 4 October.
19. Great Turkestan. 1917. 18 October
20. Great Turkestan. 1917. 15 December.
21. Great Turkestan. 1918. 18 February.
22. UzMA. I-1 fund. List 25. Case 184. Sheet 1.
23. UzMA. I-1 fund. List 25. Case 184. 4 sheets.
24. UzMA. I-1 fund. List 25. 184- work. Sheet 10.
25. UzMA. I-1 fund. List 25. Case 184. 9th back sheet.
26. UzMA. I-1044-fond. List 1. 37- work. Page 33.
27. FVMDA. I-1 fund. List 1a. 1-ish. 4 sheets.
28. FVMDA. 121-fond. List 1. 64 volumes. Pages 12–13.
29. FVMDA. 291-fond. List 1. 2 fold volumes. Pages 12–13
30. FVMDA. 378-fond. List 1. 5 folding volumes. Sheet 7
31. FVMDA. 378-fond. List 1. 5 folding volumes. Page 78
32. FVMDA. 378-fond. List 1. 6 fold volumes. Sheet 2.
33. FVMDA. 911-fond. List 1. 2 fold volumes. Sheet 14.
34. FVMDA. 911 fund. List 1. 2 fold volumes. Page 23.
35. Hand flag. 1917. 8 November
36. www.hrono.ru/ POINTER Members of the Constituent Assembly – Chronos.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№10 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000